



ТОШКЕНТ ТО'ҚҚАШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 248 (10.301)

2004 ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов куни

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён — икки палатали парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтадиган кун ҳам тобора яқинлашмоқда. Жойлардаги сайлов округи ва участкаларида иш қизигандан-қизиган.

Аввало уларнинг кенг фаолият юритишлари ҳамда сайловчиларнинг ўзларини қизиқтирган маълумотларни олишлари учун барча зарур жиҳозлар ва адабиётлар билан тўлиқ таъминланганлигини айтиб ўтиш жоиз.

СУРАТДА: Миробод туманида жойлашган 18-Темирийўл сайлов округи раиси Бахтиёр Исаҳўжаев ва комиссия аъзоси Қўмил Пўлатов биринчи марта овоз берувчи А.Собитболдиев, А. Холмуродовлар билан суҳбатлашмоқда.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.



ХУВИ САДОСИ

Барча маъбаладан олинган сўзга хабарлар

Мамлакатимизда

- Кеча Олий Мажлисида «Ўзбекистон ва Озарбойжон обмудсманлари: тажриба ва истиқболдаги фаолият» мавзусида учрашув бўлиб ўтди.
- Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгаш йиғилиши ўтказилди. Унда Ўзбекистон Табиати муҳофазасида қилиш давлат кўмитаси ҳамда Республика давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси томонидан жорий йилнинг шу даврига амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ахборотномасининг 11-сонини (Ўзбек ва рус тилларида) нашрда чикди.
- «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жама-

армасининг саломатлик ва муруват поезди Тошкентдан Қорақалпоғистон томонга йўл олди.

• Қорақалпоғистонда Ажнийез номли Нукус давлат педагогика институтининг 70 йиллик юбилейи муносабати билан тантанали маросим ўтказилди.

• Қашқадарё вилояти ҳокимлигида паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжалиқларини фермер хўжалиқларига айлантиришга оид масалаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Хоразм вилоятининг Хива шаҳридаги Қалта минор, Ичон қалъа ва Каптархона маҳаллалари фаоллик кўмагида ташландик бўлиб ётган уч гектар жой болалар спорт майдончасига айлантирилди.



Жаҳонда

• Украина Марказий сайлов комиссияси шу йил 26 декабрда мамлакат президентлиги учун ўтказиладиган қайта сайловларда қат-

нашувчи яна 3 минг 735 нафар халқаро кузатувчиларни рўйхатга олди.

• Ироқнинг Мосул шаҳри яқинидаги Америка ҳарбий базасида содир этилган портлаш натижасида 24 киши ҳаётдан кўз юмган, 60 дан ортиқ киши жараҳатланган.

• Мозамбик Миллий сайлов комиссиясининг расман маълум қилишича, декабрь ойининг бошларида мамлакат президентлиги учун ўтказилган сайловларда Арманд Гебуз 64 фоиз овоз тўплаган ҳолда ғалаба қозонган.

• БМТнинг қочқинларни ватанига қайтаришга кўмаклашиш дастури ёрдамида шу йилнинг охирига қадар тўрт юз мингга яқин афғонистонлик қочқин Покистондан юртига қайтди.

• Испания суди жорий йилнинг март ойида Мадридга амалга оширилган террорчиликларга марокашлик Ҳасан Ҳаскини алоқадор эканлиги тўғрисида расмий айблов эълон қилди.

САЙЛОВЛОРДА МАМБИКОМИ

БУГУН

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВА
САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСҚОР
ГУРУҲЛАРИДАН

халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодлар фаолияти ва уларнинг сайловолди дастурлари юзасидан чиқишлари газетанинг тўртинчи саҳифасида ёритилмоқда.



ТАДБИРКОРЛАР ВА
ИШБИЛАРМОНЛАР
ҲАРАКАТИ- ЎЗБЕКИСТОН
ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг бешинчи саҳифасида ёритилмоқда.

АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН БАРЧА ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА

МСК Матбуот марказида сайловлар жараёни бевосита ёритилади

2004 йил 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази сиз учун соат 7.00 дан бошлаб очик бўлади.

Шу куни Матбуот марказида республиканинг барча вилоятларидан овоз бериш жараёнига доир сўнгги маълумотлар келиб тушадиган ва ўрнатилган мониторларда акс этади.

Кун давомида МСК раҳбарияти иштирокида қатор матбуот анжуманлари уюштирилиб, биринчиси соат 10.00 га ва якуловчи анжуман овоз бериш тугагач бир соатдан сўнг соат 21.00 га

белгиланган.

Матбуот марказида журналистлар фаолияти учун барча қулайликлар мавжуд бўлиб, компьютер, факс, телефон ҳамда халқаро алоқа, Интернетга улашиш имконияти таъминланади.

Матбуот марказига кириш бейджикларни кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй, Миллий матбуот маркази биноси.
Маълумот учун телефонлар: 144-25-06, 139-11-33.

ЯГОНА АХБОРОТ ТАРМОҒИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Марказий банк мутахассислари билан ҳамкорликда Марказий сайлов комиссиясининг ягона компьютер тармоғи яратилди.

Бу тизим Марказий сайлов комиссиясига сайлов куни барча округ сайлов комиссиялари билан бевосита боғланиш ва зарур маълумотларни

ўз вақтида олиш ҳамда тезда тарқатиш имконини беради.

Павел АТРУШКЕВИЧ: СИЁСИЙ ТАДБИРДА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР НАМОЁН

Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбир — Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар арафасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келган кўплаб кузатувчилар жойларда сайловга тайёргарлик жараёнларини кузатмоқда.

Самарқанд вилоятида сайловолди юмушлари билан танишайтган Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги кузатувчилари миссияси вакили, МДХ ижроия кўмитаси маслаҳатчиси Павел Атрушкевич ўз таассуротларини ЎЗА муҳбирига гапириб берди:

— Мамлакатингизнинг икки палатали парламент тизимига ўтаётганини демократик жамаат барпо этиш йўлидаги яна бир дадил қадам, дейиш мумкин. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибасида синналган бу тизим Ўзбекистоннинг тараққиётида ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Айна пайтга қадар Самарқанд вилоятидаги қатор сайлов округлари ва участкаларида бу борада амалга оширилаётган ишлар, номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараёнлари билан танишдим.

Сайловчилар билан учрашдим. Аминманки, сайловлар демократик тамойиллар асосида ўтади. Кузатишларим давомида шундай хулосага келдим.

Айна пайтда, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида катта ўзгаришлар юз берганига гувоҳ бўлдим. Хусусан, бунёд этилган коллеж ва лицейлар, спорт саройлари, замонавий корхоналар кишини қувонтиради.

Қадим Самарқанднинг бектакор обидалари таъмирланиб, қайтадан чирой очаётгани ҳам юртингизда амалга оширилаётган ана шундай хайрли ишлардандир. Бу мамлакатингизда тарихга, аждодлар хотираси ва меросига эҳтиром ҳисси кучли эканидан, демократи, халқингизнинг келажаги буюклигидан далолатдир.

Ақбар Қаршиев,
ЎЗА муҳбири

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Киска

● **БУГУН** Бектемир туман Марказий кутубхонасида «XXI аср болалари» мавзусида адабий кеча ва китоблар кўргазмаси уюштирилди.

● **УТГАН** кунни Серегели туманидаги 3,6-мактабларда Тулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар билан ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ва ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** трактор заводи «давлат акциядорлик жамиятида КЕЧА сиёсий партиялар вакиллари иштирокида икки палатали парламент сайловларининг моҳиятига бағишлаб тадбир уюштирилди.

● **ЖАХОН** иқтисодийети ва дипломатия университетиди Буюк Британиядан келган олимлар иштирокида уюштирилган тадбир таълим соҳасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига бағишланди.

● **УРТА** махсус касб-ҳунар таълими муассасалари педагоглари иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман академик лицей ҳамда коллежларда таълим стандартларини жорий қилиш масалаларига бағишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси қошидаги Тарих институтида тарихчи олимлар иштирокида ўтказилган илмий амалий анжуман «Ўзбекистон археологиясининг долзарб муаммолари» деб номланди.

● **ШАХРИМИЗ** рассомчилик санъати муҳлислари эътиборига навоийлик ёш рассом Суҳроб Курбонов асарлари кўргазмаси намойиш этилмоқда. Ушбу тадбир 2005 йилнинг 20-январига қадар давом этади.

● **23-МЕКХРИБОНЛИК** уйда тарбияланувчилар ва тарбиячилар иштирокида бўлиб ўтган хайрия тадбири «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда «Илхом» студияси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ХАМЗА** туманидаги мактабларда туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида ташкиллаштирилган баскетбол, футбол, шахмат, шашка, стол теннис мусобақалари 2005 йилнинг 5-январига қадар давом этади.

● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 400-боғчада туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида БУГУН «Кувноқ стартаплар» мусобақаси ўтказилди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 160- мактабда ўтказилган шахмат, шашка мусобақалари туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати
ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

26
декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кунни

САЙЛОВЛАР – ЖАМИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИ

Ўзбекистонда сайловли кампанияси авж паллада. Мамлакатда парламент тизимини келгусида янада ислоҳ қилишга оид турли хил фикр-мулоҳазалар, баҳолар ва таклифлар билдирилмоқда. Уларнинг кўпчилиги ғайриоддий ёндашувга асосланган, муаммолар эса шахсий қараш орқали ўз ечимини топиши билан кўзга ташланмоқда. «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор

Элчиси жаноб Алеш Фойтекка олдида турган парламент сайловларига нисбатан унинг фикрини билиш мақсадида саволлар билан мурожаат қилди:

— Ўзбекистонда ҳокимиятнинг қонунчилик тармоғи ислоҳ қилинмоқда, парламент структураси ҳам ўзгариб, эндиликда у икки палаталиikka айланаётган. Сизнинг назарингизда парламент тизимидаги ўзгаришлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига қандай таъсир ўтказиши?

— Бу анча мураккаб савол. Чехияда узоқ вақт мобайнида бир палатали парламент мавжуд эди, икки палатали тизимга бизда яқинда ўтди. Лекин бу масала палатанинг сониди эмас, балки парламентнинг қандай имкониятларга эга-лигида, унинг мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётига қандай таъсир ўтказишида, деб ўйлайман. Ўзбекистоннинг ўз фаолиятини яқунлаган бир палатали парламентни, бутун даври мобайнида 16 сессия ўтказди, шу боисдан ҳам, балки, қонунчилик соҳасидаги барча масала ва муаммоларни ечиш учун у етарли даражада имкониятга эга бўлмагандир. Доимий фаолият юритувчи «профессионал» парламент эса, табиийки, мутлақо бошқа салоҳиятга эга. Умуман пар-

ламент ислоҳоти мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсир ўтказадими, деган саволнинг замирига назар ташлайдиган бўлсак, у ҳолда бу саволга бир йилдан сўнг тўхталिश мумкин, зеро у пайтга келиб парламент ишининг дастлабки яқунларини чиқариш имконияти юзга келиши мумкин. Лекин бу ўзгаришларнинг барчаси жамиятни келгусида демократлаштириш сари олга қўйилган бир қарамдир.

— Кўпгина етакчи таҳлилчиларнинг баҳоларига кўра, Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ушбу қонунчиликни жаҳон демократик меъёrlарига мувофиқлаштириш имконини яратди. Бироқ, айрим хорижий ОАВ ва экспертлар назарида Ўзбекистон сайлов қонунчилигига ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларини, унинг анъаналарини ҳисобга олиш умум қабул қилинган стандартларга жавоб бермас экан. Бундай ёндашув демократия тамойилига зид эмасми?

— Демократия, у қандай бўлиши ке-

Мана бир неча йилдирки, Тошкент автомобиль ва йўллар коллежиди Истиқлолимиз дастури, ҳаётимизнинг йўлчи юдузи бўлган Конституциямиз ўн қиллиги ўтказилиб келинмоқда. Мазкур ўқув даргоҳида Ўзбекистон Конституциясини ўрганишга, унинг мақсад ва вазифалари, моҳияти ва мазмунини чуқур ўзлаштиришга муҳим аҳамият қаратилиб келинмоқда. Айниқса, Республикамиз Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишидан сўнг бу борада қилинаётган ишларда сифат ўзгаришларига эришилмоқда.

САЙЛОВ ТИЗИМИГА БАҒИШЛАНДИ

Ана шундай тадбирлардан бири кунни кеча Ўзбекистон темирйўлчилар Марказий маданият саройида бўлиб ўтди. «Меҳр ва муруват» йилининг яқунлари, юртимиз Қомуси — элимиз номуси ва мамлакатимиздаги сайлов тизими» мавзусидаги мазкур тадбирга касб-ҳунар коллежининг 700 нафардан ортиқ ўқувчи, ўқитувчи ва ходимлари йиғилди. Ушбу байрам шодибнаси Тошкент шаҳар ҳокимияти Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Тадбирни ўқув юрти раҳбари, техника фанлари номзоди, доцент Жасур Қулмухамедов кириш сўзи билан очар экан, унинг мазмуни ва моҳияти рес-

публикамизда юз бераётган ижобий ўзгаришларга ҳамоҳанг эканлигини таъкидлаб ўтди. Айниқса, — деди коллеж директори, — тадбиримиз номининг ўзиёқ, у бағишланаётган саналар ҳам унинг ҳозирги кунда жуда зарур ва муҳимлигидан далолат беради. Мен бу йил 18 ёшга кирган коллежимиз ўқувчиларини ҳаётларида илк марта сайловда қатнашишлари билан табриқлайман. Бу ҳуқуқни уларга Бош Қомусимиз берди.

Шунингдек, Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди Гулчехраҳон Маликованинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов институтининг ифодалани-

ши» мавзусидаги йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу анжуманга йиғилганлар Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг бўлим мудири, педагогика фанлари номзоди Ақром Акмаловнинг «Ўзбекистон Конституцияси мустақиллик ва маънавий баркамоллик ифодасидир», Чилонзор тумани прокурорининг ёрдამчиси Камолдин Жовлиевнинг «Конституция ва қонуннинг устуворлиги» мавзуларидаги чиқишларини ҳам мароқ билан тингладилар.

Ўқув юртининг бадий

рак — бу шундай тушунчаки, уни бир сўз билан ифодалаш жуда мушкул. Энг муҳими — ҳар қандай мамлакатнинг демократик қадриятлари жамият ва ҳар бир муайян одам томонидан яқинроқ, яъни қабулдан қабул қилинмоғи лозим. Дунёда шундай қонунлар борки, улар ахлоқ тамойилларига мутлақо жавоб бермайди, аммо шу билан бирга қонунларга зид бўлган ахлоқ тушунчаси ҳам мавжуд. Қисқаси демократия — бу ахлоқий қадриятлар ва қонуннинг уйғунлашуви, давлат барқарорлиги, демократик институтлар фаолияти ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг асоси ҳисобланади. Демократия бирданга ҳосил бўлмайди, унга узоқ йиллар давомда эришилади. Аввалига демократик қонунлар қабул қилинади, сўнгра ушбу қонунлар жамият ва одамлар томонидан ўрганилиб, уларга риоя этила бошлайди. Шундай экан, қонунлар одамларнинг қон-қонига сингиб бўлгач, уларга онгли равишда амал қилина бошлаган онданок ҳақиқий демократиянинг мавжудлиги тўғрисида гапириш мумкин бўлади. Мисол учун, 2000 йилда АҚШда бўлиб ўтган президентлик сайловларини оладиган бўлсак, унда Ж.Буш А.Гор устидан арзimas устунлик билан ғалабага эришган. Бироқ сайлов натижалари бўйича тортишиб, ўз тарафдорларини «баррикада»ларга олиб чиқиш Америка президенти рақибининг ҳаёлига ҳам келгани йўқ. Буни ҳатто тасаввур қилиш демократик мамлакатда яшаётган А.Гор учун ақд бовар қилмас ҳол эди.

Исмоил ШАРАПОВ,
«Жаҳон» АА



ҳаваскорлари ўзларининг саҳна чиқишлари билан анжуман қатнашчилари дилларини хушнуд этдилар.

Шавкат ЁҚУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи «Маънавият ва маърифат» бўлими масъул ходими.

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИОНЕРЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

Пойтахтда «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси акционерларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтди. У компания низоми ва эмиссия таркибига ўзгариш ва қўшимчалар киритишга бағишланди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси кузатув кенгаши раиси А.Орипов очди. У республика ҳукуматининг қарорига кўра «Ўзбектелеком» АКни хусусийлаштириш ва бу жараёнга стратегик хорижий

инвесторни жалб этишга тайёргарлик кўришга маълум қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ компанияни хусусийлаштиришга доир қўшимча чоралар қабул қилинди, акциялар тўпламини жойлаштиришнинг янги тартиби тасдиқланди.

Акционерларнинг навбатдан ташқари йиғилиши компаниянинг низоми ва эмиссия таркибига тегишли ўзгариш ва қўшимчаларни тасдиқлади. Энди «Ўзбектелеком» АКнинг низоми жамғармаси 30802967 минг сўмни ташкил этади. Давлат улуши - 45 фоиз, юридик ва jisмоний шахслар пакети - 6 фоиз, қолган 49 фоиз хорижий инвестор учун ажратилди.

Йиғилишда «Ўзбектелеком» АК кузатув кенгашининг янги таркиби ҳамда танлов асосида танланган компания аудитори кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Мағнавий

УНИВЕРСИТЕТДА ЯНГИ КУТУБХОНА

Коиқа кутубхонаси. Бу ибора Жанубий Кореяда зиёбахш даргоҳ номи сифатида кенг қўлланилади.

Корейс тилини ўргатиш, Корея маданияти, урф-одати билан яқиндан таништиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган бундай зиё маскани Тошкент Давлат педагогика университетида ҳам очилди.

Коиқа кутубхонасини ташкил этишда олий ўқув юрти Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда иш олиб борди. Корейс тилини ўрганувчи талаба ёшлар эса кутубхонанинг дастлабки аъзолари бўлишди.

Бу ерда кутубхоначилик хизмати кўрсатиш учун барча қулайликлар муҳайё қилинган. Бой адабиётларга эга бўлган кутубхонада фанининг турли соҳаларига доир ноёб нашрлар ҳам бор.

Компьютер қурилмалари, аудио ва видео кассеталар ҳам бериб қўйилди.

МУНОСИБ СОВФА

Педагогика фанининг отахони деб эътироф этилаётган таниқли олим, профессор Асқар Зунунов томонидан кўп қабатли китоблар яратилган. Унинг йирик монографиялари, дарслик ва қўлланмалари чоп этилган.

Изланувчан зиёкор раҳбарлигида босмага тайёрланган «Педагогика тарихи» дарслиги олий ўқув юртлири талабалари учун йирик ўқув адабиёти сифатида тақдим этилди. «Ҳаёт — ибрат манбаи», «Марказий Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар» каби қўлланмаларнинг мантиқий давоми сифатида юзага келган «Педагогика тарихи» дарслигида «Алпомиш» ва «Манас» дostonлари мисолида Марказий Осиёдаги ижтимоий ҳаёт ва тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари ҳам кенг ёритилган.

Ушбу дарсликнинг қайта ишланган иккинчи наشري яқинда босмадан чиқди. «Шарқ» наشريёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонасида чоп этилган бу нашр устоз педагог олим таваллудининг 90, илмий-педагогик фаолиятининг 70 йиллигига муносиб совға бўлди.

Ақбар АЛИЕВ



Хотира — муқаддас тўйғу

НАВОЛАРГА БАХШИДА УМР

Мустиқиллик йилларида республикаимиз маданияти ва санъати ривожига муносиб ҳисса қўшиб келган ҳамда бугунги кунда ҳам бу борада улкан ишларни амалга ошириб, халқимиз эъзозига сазовор бўлиб келаётган эл ардоғидаги инсонларга беқиёс эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Хусусан Ғафур Ғулom номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ҳам «Барҳаёт сиймолар», «Эъзоз давраси» туркумидаги маданий-маърифий тадбирлар орқали Фаттоҳхон Мамадалиев, Таваккал Қолиров, Саттор Ярашев, Жўраҳон Султонов, Саодат Қобулова каби улуг санъаткорларнинг эзгу ишлари, тақдорларини, буюк истеъодларининг халқимиз онгида ўчмас из қолдиришига хизмат қилиб келмоқдалар. Кунги кеча ушбу боғ маъмуриятининг кўчма тадбири Шайхонтоҳур туманидаги 23-болалар музика мактабида бўлиб ўтди.

Ушбу анжуман таниқли бастакор, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Фаттоҳ Назаровнинг ҳаёти ва ижодига бағишланди.

Бастакорнинг сафдошлари, дўстлари, шогирдлари, оила аъзолари, Ўзбекистон санъат арбоблари, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг ўқитувчи-профессорлари, таниқли композиторлар йиғилган ушбу давралари

да Ўзбекистон Давлат консерваториясининг доценти Рустам Хўжаев устознинг ибратли ҳаёт йўли, яратган



асарлари, одамийлик фазилатлари ҳақида тўлқинланиб гапирди.

— Ф.Назаров ижодий фаолиятида ўзбек халқ чолғулари оркестри учун яратилган асарлар алоҳида ўрин олган, — деди Рустам Хўжаев. — Ўзбек халқ куйлари асосида «Уфори Насруллоби», «Қорақалпоқча рапсодия» ва «Қорақалпоқ халқ куйлари асосида

сюита», «Шодиёна» муқаддимаси, «Байрам марши», уч қисмли «Ўзбекча сюита» ва бошқа асарлар шулар жумласидандир.

Ф.Назаров 1950 йилдан бошлаб Тошкент Давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғулари факультетида оркестр дирижёрлиги бўйича дарс берган ва шу соҳада ўнлаб шогирдлар тайёрлаган. Бугунги кунда унинг шогирдлари республикаимизнинг маданият ва санъат масканларида эл хизматидалар.

Тадбирда Ф.Назаровнинг шогирди, хотин-қизлар орасида биринчи бўлиб чиққан чангчи-созанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, доцент Фазилат Шукурова ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб устоз ҳақидаги ўлмас хотираларини сўзладилар.

Шунингдек, фойзли ўтган хотира кечасида 23-болалар музика мактабининг ўқитувчи ва ўқувчилари, бадий жамоалар устоз асарларидан тузилган концерт дастурини намойиш этдилар. Айниқса буюк санъаткорнинг қизларига атаб фортепьяно ва оркестр учун ёзган концертини ушбу хотира кечасига Туркиядан етиб келган қизлари Гулнара Назарова томонидан ижро этилиши давраининг янада эсда қоларли бўлишига хизмат қилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Фаттоҳ Назаров хотира кечасига бағишланган тадбирдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Жанубий Кореянинг етакчи компанияларидан бири LG Electronicsнинг юртимизда самарали фаолият юритаётганига ҳам кўп йиллар бўлди. Шаҳримиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида электроника ва коммуникация соҳасида маълуму машҳур мажмур компания янги маҳсулотининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Мақдимои

ТАКОМИЛЛАШГАН ЯНГИ РАҚАМЛИ ТИЗИМ

Шуни таъкидлаш керакки, оддий музика марказига ўрнатиладиган караокени МДХ мамлакатларида илк бор йўлга қўйган ҳам LG Electronics компаниясидир. Компаниянинг энг сўнгги маҳсулоти LG DVD Karaoke — ўзида DVD ва караоке функцияларини жамлаган мажмуавий рақамли музика воситасидир. У нафақат караоке вазибаларини бажарадиган музика маркази сифатида, балки хонанд кинотеатри ўрнида ҳам ишлатилиши мумкин.

Юртимизда LG DVD Karaokeнинг янги тизими 3000 та қўшиқли дискдан ташқари 500 та ўзбек эстрадаси қўшиқлари дискини ҳам жамлаган. Унинг ўзига хос ютуқли томонларидан

бири шундаки, жуда юқори сифатли тасвир ва товушдан ташқари, янги тизимда автоматик равишда қўшиққа мос келувчи тасвир тилланиб, қўшиқ айтиш давомида унга мувофиқ кайфият яратилади. Видеоқатор модерн, рок, рэп, ракс каби 4 та модулдан иборат. Бундан ташқари, янги тизимда қўшиқларни автоматик қидирув функцияси ёрдамида қидирувни янада қулайроқ қилишга имкон яратилган. Фойдаланувчи тугмани бир неча бор босиб, алифбо тартибда экранда қўшиқчилар рўйхати ва қўшиқлар номи сўраб, кераклисини осонгина танлаб олиши мумкин бўлади.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: тақдимот маросимидан лавҳа.



Ўқитисоқий

ИККИ КОРХОНА ЮЗАГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Давлат таълими дастури доирасида олиб борилаётган тадбирлар билим ўчоқлари ўқув-моддий негизини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бунда «Файз» холдинг компаниясининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Республикаимизда мебель ишлаб чиқариш саноатида салмоқли ўрин тутаётган бу компания мактаб мебеллари тайёрлаш борасида бой тажриба орттирди. Умумтаълим муассасалари учун мос мебеллар турларини кўпайтириш мақсадида «Файз» компанияси яна бир хайрли ишга қўл урди. Россиянинг Санкт-Петербург ёғочни қайта ишлаш ва мебель чиқариш уюшмаси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Ана шу ўзаро келишув бўйича бир йўла иккита мебель корхонаси юзага келади. «Файз-нева» деб номланган корхона ихтисослаштирилган мебелларни Ўзбекистонга тайёрлаб беради. Иккинчиси «Восток» савдо уйи сифатида иш бошлайди. Санкт-Петербург шаҳрида жойлашадиган бу савдо уйи ўзбек мебеллари савдоси билан шуғулланади.

Анвар ВАЛИЕВ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВА САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

БИЗГА ОВОЗ БЕРИНГ!



Хамидулла АББОСОВ

1937 йилда туғилган. Фирдавсий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган ва 9-Салор округи бўйича рўйхатга олинган.

Хамидулла Аббосовнинг катта ҳаётий тажрибага эга, ҳақиқий меҳнат мактабини ўтган инсон дея таърифласак, муболага бўлмайди. 1960 йилда Тошкент тўқимачилик ва ёнгил sanoati институтини тугатгач, у меҳнат фаолиятини маиший хизмат соҳасида усталиқдан бошлаб то вазир лавозимигача фаолият юритди.

25 йил давомида Хамидулла Аббосов республика маиший хизмати ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг раҳбарлиги остида ва бевосита иштирокида бу тармоқнинг кучли моддий - техник негизи яратилди, маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг бозор муносабатларига ўтказилиши таъминланди. Шунга ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, бу соҳанинг барча бўғинларидан биринчилардан бўлиб давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни тўлиқ амалга оширилди.


Хамидулла Аббосовнинг хизматлари муносиб баҳоланди. У «Ўзбекистон Республикаси маиший хизмат соҳасида хизмат кўрсатган ходим» унвонига сазовор бўлди.

— Лекин мен учун янада қимматлироқ мукофот бор, у ҳам бўлса инсонларнинг хурмати ва ишончидир,

— дейди Хамидулла Аббосович. Х.Аббосовнинг кўп қиррали ҳаётий ва меҳнат тажрибаси унинг 2003 йилнинг ноябрь ойида Фирдавсий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланишига асос бўлди. Маҳаллада, маълумки, ишлар ва муаммолар ҳам талайгина. Оқсоқол этиб сайлангач, Х.Аббосов уларнинг ҳар бири устида таҳлил ўтказиб аста-секин ҳал этишга бел боғлади. «Нимага қўл урмасин, бизнинг раисимиз ҳаммасини уйдalayди», — дейишди унинг маҳалладошлари.

Камтарин, бағрикенг оқсоқол Хамидулла Аббосовни Мирзо Улуғбек туманидаги бошқа маҳаллалар ахли ҳам яхши билади. Шу боисдан ҳам шу атрофда жойлашган бир неча маҳаллалар фуқаролар йиғинининг умумий йиғилишида унинг номзоди ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига тавсия этилди.

— Номзод бўлишнинг ўзи ҳам менга масъулятидир, — дейди Хамидулла ака. — Маҳалладошлар бундай юксак ишончини менга билдиришган экан, бор имкониятларимни ишга солиб, уларнинг истаklarини, оилалари тинч-тотувлигини таъминлаш йўлида сай-ҳаракатларимни давом эттирмаман.



Холходжа УМАРОВ

1955 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини Тошкент Давлат тиббиёт институтида лаборантликдан бошлаган. Армия хизматини ўтаб келгач, ўзини қурилишга, Тошкентнинг меъморчилигини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга қарор қилди. 1975-2003 йиллар давомида «Тошбошқурилиш» тизимида фаолият юритди.

Холходжа Умаров ўзининг биринчи меҳнат орденини 1986 йилда олишга муваффақ бўлди. Кейинчалик, 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан кўп йиллик фидокорона меҳнати, маъмурий ва ижтимоий аҳамиятга эга бир катор замонавий бинолар қад ростлашида фаол иштироки учун Холходжа Умаров Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

2003 йилнинг апрель ойидан Х.Умаров Сергели туманидаги «Ешлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Меҳнатқаш, камтарин, ўзгалар дари билан яшашига интилади — аҳоли орасида Холходжа Умаровга берилган бундай таърифлар унинг номзодини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатишга асос бўлди ва айнан шу мақсадда ташаббускор гуруҳ тузилиб, шу ҳудуддаги Дўстлик округи камровидаги ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳам бу тақлиф қўллаб-қувватланди.

Ўзининг сайловолди дастурида номзод асосий эътиборни авваламбор инсон манфаатлари таъминлинишига қаратган. Жумладан:

1. Аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, кам таъминланганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат томонидан ажратилаётган нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдам турларининг миқдорини оширишга эришиш ҳамда бу борада аниқ режалар ишлаб чиқиш.

2. Оилалар ва болалар соғлигини муҳофиза қилиш, халқимиз келажаги бўлган ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом, ақли,

чқур тафаккурли, етук қилиб тарбиялаш мақсадида уларга берилган ижтимоий кўмакни ошириш, бунда уч ёшгача бўлган болаларга имтиёзли дори-дармон бериш, кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг ҳолидан хабар олиш ва уларга ёрдам кўрсатишни изчил йўлга қўйиш ҳамда болалар нафақасини олиш босқичидаги ҳужжатларни янада соддалаштириш.

3. Олий ва ўрта махсус ўқув юрталари ҳамда мактабгача тарбия муассасалари учун замонавий бинолар қуриш, уларни талабларга яраша тўлиқ жиҳозлаш.

4. «Устоз — отангдек улуғ» мақолидан келиб чиқиб, болаларга тарбия, билим бериш, уларда янгича дунёқарошни шакллантирувчи ўқитувчи-мураббийларни кучли ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатида қатъий амал қилиш.

5. Ёшларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш ва баъзи ёшларнинг тарбияси билан жиҳдий шугулланишга алоҳида эътибор қаратиш. Бу борада маҳалла оқсоқоллари, уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари, ҳудуд ноҳирлари, посбонлар, ўқитувчилар, ота-оналар ва маҳалла фаоллари ишини янада жонлантириш.

6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қарорларни амалда таътиб этиш мақсадида тадбиркорларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини назорат қилувчи ва текширувчи ташкилотларнинг ноқонуний текширув ва аралашувига чек қўйиш ҳамда маҳалладан чиқаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш.



Валерий КИМ

1954 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли шаҳрида таваллуд топган. Ульяновск политехника институтида авиация жиҳозлаш мутахассислиги бўйича таҳсил олган. Йўлланма билан Ватанига қайтгач Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис-созловчи, сошлаш-механика бўлими устаси сифатида фаолият юритди. Бир неча йиллар мобайнида мебель sanoati тизимида ҳам ишлади. 2000 йилнинг май ойида махсус комиссия қарорига мувофиқ «Тошмаснасослик» корхонаси — бугунги кунда «Ўзпахтамаш» акциядорлик жамиятининг ташки бошқарувчиси этиб тайинланди. Шу йилнинг бошида корхона банкротлик ҳолатидан тўлиқ халос этилганидан сўнг Валерий Ким акциядорлар йиғилишида «Ўзпахтамаш» АЖ директори этиб сайланди.

Қисқа вақт ичида В.Ким раҳбарлигида зарар билан ишлаётган ишлаб чиқариш мажмуасини янги бозор шароитларига мувофиқлаштириш, унинг барча бўғинларида аниқ изчил ишни таъминлаш, буюртмачилар билан узоқ муддатли ва истиқболли шартномалар тузиб, корхонанининг рентабеллигини таъминлашга эришилди.

Ташки бошқарув киритилган пайтда акциядорлик жамиятининг зарари 26 миллион сўм, муддати ўтган кредитор қарздорлиги 180 миллион сўм, шу жумладан, бюджетга бўлган боқимандалик 76 миллион сўмни ташкил этган. Бугунги кунга келиб барча қарзлар қопланган. Корхонанинг йўналишини, яъни пахта тозалаш дастгоҳлари ишлаб чиқариш тизимини сақлаб қолишга эришилган. 450 тадан зиёд буюртма шартномалари, 8 та экспорт ва 19 та биржа шартномалари тузилган. «Ўзпахтамаш» акциядорлик жамиятини молиявий соғломлаштириш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш бўйича режа 151 фоизга бажарилган.

Бу ютувлар, шубҳасиз, Валерий Николаевич Кимнинг ҳар томонлама ўйлаб, бир тўхтамга келган ҳаракатлари боис юзага келди. Шундай бўлса-

да, вақт янгиликларнинг, доимий равишда такомиллашшини, шу жумладан жамият ривожланишининг иқтисодий бўғинлари такомиллаштирилишини талаб этади. Шу мақсадда ҳам корхона ишчи ва хизматчиларидан ташкил топган ташаббускор гуруҳ В.Ким номзодини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатишга қарор қилди. Бу эса, агарда Валерий Ким депутат этиб сайланса, нафақат акциядорлик жамияти, балки турдош соҳалардаги айрим масалалар ҳал этилишига, шунингдек, аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича белгиланган баъзи вазифаларни амалга оширишга имконият беради. Ташаббускор гуруҳнинг тақлифини Мирзо Улуғбек туманининг Академик сайлов округи атрофида истиқомат қилувчи аҳоли ҳам қўллаб-қувватлади. Маҳалладошлари тақлиф-истакларини инобатга олган ҳолда Валерий Ким ўз сайловолди ҳаракатларида ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник негизини кучайтириш, кам таъминланган ва муҳтож оилаларга ажратилаётган молиявий маблағларни ошириш каби масалалар ҳал этилишига бор кучини сарф этишга сўз бермоқда.



Сухбатулла ЮНУСОВ

1964 йилда туғилган. «Тоштўқимачи» акциядорлик жамияти тиббий санитария қисми қошидаги поликлиника бўлим бошлиғи. Шифокорлик касбини Сухбатулла мактаб давридан орзу қилган ва аксарият тенгдошларидан фарқли ўлароқ ҳаёт йўлини танлашда мақсадига содиқ қолиб, Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди.

Анъанага кўра, касбий фаолиятини у оддий шифокорликдан бошлади. Аста-секин, амалий тажриба орттиргани сари, Сухбатулла Юнусов тиббиёт амалиётининг терапия, жарроҳлик, кардиология каби турли соҳаларида ўз билимларини такомиллаштириб борди.

— Бу шунчаки иштиёқ эмасди, балки ҳар бир шифокорга хос муҳтож ҳар бир кишига, унинг касаллиги қандай бўлишидан қатъий назар, вақтида ёрдам кўрсата олиш масъулятидир, — шундай изох берди ўзи каби оқ халатли кишиларнинг асосий вазифаларига Сухбатулла Юнусов.

— Қолаверса, бунинг учун бугунги кунда барча шарт-шароитлар яратилган, фақат ҳаммасига улгуриб қолиш керак-да, — давом эттириб таъкидлади С.Юнусов. — Уйлаيمانки, бу борада бади йўқлигини руқаб қилиб, сабаб қидириш ўринли эмас, чунки бизнинг касбадаги кишилар ҳар доим ҳар нарсага тайёр бўлишлари лозим, зеро, биз инсон ҳаёти учун жавобгардиримиз... Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида ёллохлар давом этмоқда ва айни пайтдаги босқинда оила шифокори тизимига ўтиш жараёни кечмоқда. Бу тизим замон талабига тўлиқ жавоб беради ва юқорида айтиб ўтганимни, ҳар бир шифокор нафақат ҳар томонлама билимга эга бўлиши, балки беморларга вақтида ёрдам бера олиши зарур. Шу билан бирга бу борада айрим масалалар борки, уларнинг ечими тегишли меъёрий ҳужжатлар билан ёки айрим қонунларга қўшимчалар киритиш орқали тасдиқини топиши лозим. Жумладан, оила шифокори тизими аниқ юридик ҳужжат билан

таъкидланмаган. У мукаммал бўлиши ва яратилаётган механизм изчил ва маромида ишлаши учун оила шифокори қўл остида барча керакли нарзалар бўлиши лозим ҳамда барча бўғинларда сервис хизмат даражасидаги моддий-техник негизни мустаҳкамлаш талаб этилади.

Дарвоқе, Сухбатулла Юнусовнинг ушбу тақлифи тиббий-санитария қисми жамоаси ўртасида узоқ муҳокама этилди. Натихада ушбу масаланинг ечимини топиш мақсадида айнан унинг номзодини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ҳаммасилари таркибидан тузилган ташаббускор гуруҳ томонидан кўрсатишга қарор қилинди. Ушбу жараёнда маъмур шифокорона хизматидан доимий равишда фойдаланиб келаётган маҳалла ахли ҳам бевосита қатнашиб, С.Юнусов номзодини қўллаб-қувватлади.

Бугунги кунда номзод сайловолди билан кўп учрашувларда қатнашиб келмоқда. Унинг сайловолди дастурида, юқорида қайд этилган вазифалардан ташқари, шунингдек аҳолининг барча қатламига сифатли хизмат кўрсатиш қафолати сифатида босқинча-босқинч тиббиёт суғуртасини киритиш, шифокорлар шариъатига қисман ўзини-ўзи қўлаш тизимига ўтиш ва бу борада қариялар, ногиронлар, вояга етмаган болаларни бепул даволаш масалалари ўрин олган.

— Лекин буларнинг барини фақат депутат бўлсамгина амалга ошираман дейишдан йирокман, — дейди С.Юнусов. — Инсонларга ёрдам бериш — менинг инсоний ва касбий бурчимдир. Агарда омадим келмаса, ўз вазифаларимни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг янги депутатлари қўллаб-қувватлаши орқали амалга оширишга ҳаракат қиламан.



ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

МАҚСАДИМИЗ — ОБОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ҚУРИШ!



Фарида АКБАРОВА,
Шайхонтохур
тумани хотин-қизлар
қўмитаси раиси:

— Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, бу жараёнда аввало фуқароларнинг сиёсий ва иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариши учун тегишли шарт-шароит яратиш лозим, деб тақдир ва тақдир таъкидлаб ўтадилар.

ЎзЛиДеП дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар айнан шу йўналишга қаратилганлиги менга жуда маъқул келди. Унда бозор иқтисодларини чуқурлаштиришдан ташқари, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш борасидаги вазифаларга ҳам эътибор қаратилган.

Мен фаолиятим давомида айрим салбий кўринишга эга вазиятларга тўқнаш келаман, шулардан бири, бу — боқимандалик. Бу борада шуни айтишим керакки, биз бозор иқтисодиёти даврида яшаётганлигимизни унутмаслигимиз, меҳнат қилмасдан бирон нарсасга эриша олмамлигимизни тушунишимиз керак.

Ҳар бир фуқаро ўз меҳнати, тадбиркорлиги, ташаббускорлиги билан ўз оиласининг, қолаверса юрт равақига учун ўз хиссасини қўша, халқимизнинг турмуш даражаси кўтарилди, ишсизлик камаяди. Шу боисдан ҳар бир фуқаро мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг иштирокчисига айлансагина, мавжуд муаммоларни енгиб ўтиши мумкин бўлади.

Ҳар бир ота-она умид билан фарзандларини воёга етказар экан, улар — келажакимиз бунёдкорларининг фаровон ҳаёт кечирishi учун «Мен нима қилдим? Фарзандим соғломми? Илми қила олдимми? Меҳнатга ўргатдимми? Эртага халққа ундан наф тегадими?» деган саволлар билан яшайи лозимдир.

Холда БАБАХАНОВА,
«Ўзстандарт»
агентлиги Тошкент
шаҳар бошқармаси
бошлиғи:



— Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий, гуманитар ва маънавий соҳалар ҳамда жамият ақлий салоҳиятини юксалтириш билан бир қаторда аёлларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётда тугатган ўрни, уларнинг обрў-эътибори ва нуфузининг янада оширилишига қаратилган саяё-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Мен сайловолди дастурида ҳар бир фуқаро яхши турмуш шараитига, кўшар, туман аҳолиси ўз иш ўринларига эга бўлиши, иш билан бандлик даражаси кескин ошишини таъминлашни назарда тутганман.

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши кўп жаҳатдан иқтисодиётнинг юксалишига, иқтисодий ислохотларнинг изчиллигига боғлиқ. Шу ўринда мамлакат иқтисодиётига ҳар қандай сармояларнинг эриши кириб келиши, ички сармояларнинг мезори фаолиятини таъминлаш зарур.

Ҳар бекаларига оиладан ажралмаган ҳолда иш шариоитларини яратиб бериш, зарур бўлганда ўқув курсларини ташкил этиб, уларни касбга тайёрлаш ва ишга жойлаштириш, дунё миқёсида диққатга сазовор бўлган ҳунармандчилик санъатининг ривожлантириш, озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш орқали сифатли, соғлиққа зарарсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашга ҳисса қўлиш асосий вазифамдир.

Она сифатида шуни айтиб ўтишим керакки, юртимиз, жамиятимиз ривожланиши, халқимиз фаровон ва осуда ҳаёт кечирishi учун ўсиб келаётган ёш авлодди муккамал келажак пайдевори бўлиб етиштирилиши таъминлашимиз лозим. Бунинг учун албатта, келажак авлодди дунёга келтириб, уни воёга етказишга масъул бўлган аёлларимизга керакли шарт-шароитларни яратишимиз керак.

Аёлларимизнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида, тадбиркор аёллар ва аёллардан ташкил этилган корхоналарга нисбатан турли имтиёزلарни жорий қилиш зарур.

Хозирги вақтда энг долзарб муаммолардан ҳисобланган аёлларимизда кўп ўрайдиган камқонлик, бўёқ, асаб касалликларининг олдини олиш учун озик-овқат маҳсулотларини табиий хом ашёлардан ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантиришимиз керак. Аёлларимиз соғ бўлсагина, улардан туғилажак авлод ҳам етук ва баркамол бўлади.

«Аёллар қаноти» — ЎзЛиДеПнинг ишончли бўғини



Хулқар ГУЛОМОВА,
«Гуломова Х.О.» хусусий
корхонаси директори:

— Одамзод яратилибдики, ҳаётини, турмуш тарзини яхшилаш йўлида изланади. Азалдан маълумки, ўзини ўзи боқа олган инсон бой ва бадавлат бўлади. Бу дегани, ҳар бир оила қанчалик тўқ ва фаровон яшаса, давлат ҳам шунча бой, қудратли бўлади.

Агар тадбиркорлик ривожланса, ишлаб чиқариш суръатлари ўсиб бора, аҳоли иш билан таъминланади, халқнинг турмуши барқарор кечади. Бу ўз навбатида соликлар тушумининг ортиб, давлат бюджети маромида шаклланишига имкон яратди.

Мен ўзим тадбиркор бўлганлигим учун ЎзЛиДеПга ишониб аъзо бўлдим. Зеро, мен бу партия меннинг ва бошқа тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қила олади деб биламан. Сир эмас, иш жараёнида тўсиқлар учрайди. Менинг асосий мақсадим — фуқароларнинг ички имкониятларини тўла ўрганиб чиқиш, уларнинг меҳнат билан банд бўлиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиб бериш, мулкдорлар қатлами келиб чиққан ҳолда саяё-ҳаракатларимни солик тизимини такомиллаштириш, боғжона назоратини соддалаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, тадбиркорлар, фермерларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ижтимоий соҳа ҳодимларининг жамиятдаги маъқолини кўтариш, улар меҳнати юқори даражада моддий ва маънавий рағбатлантириш, фахрлиларни ҳимоялаш ва пенсиялар тизимини янада такомиллаштиришга йўналтираман.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг тўб моҳияти — бу Ўзбекистонда мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат. Юртимизда иқтисодий ривожланиш, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик биринчи навбатда мулкдорлар синфига боғлиқдир. Қолаверса, ёшларнинг замонавий асбоб-ускуналар, кутубхоналар ва янги-янги технологиялардан фойдаланиши, уларни соғломлаштириш борасида кичик-кичик спорт билан шугулланиш жойлари ташкил этилишида фақат шу қатламга суяниш мумкин.

Нигора ЗАРГАРОВА,

«Ламбрехт ориент импекс» ўзбек-герман қўшма корхонаси бошқаруви раиси:



— Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига аъзо бўлиш менга кўп нарса берди. Мен сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлдим. ЎзЛиДеП эътиборимни Кенгаши «Аёллар қаноти»га раҳбарлик қиламан.

Шуни ҳам таъкидламоқчи эдимки, тадбиркор сифатида мени кўпдан бери ўйлантириб келаётган саволларга партияимиз дастуридан жавоб топдим. Янги дўстлар орттирдим, янги ҳамкорларга эга бўлдим. Улардан кундалик жараёнда учраб турадиган муаммоларни ечиш йўлларини ўргандим, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш соҳасида тажрибам, билимим ошди.

Жойларда партиянинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш билан бирга, аҳолини қийнаётган масалалар билан эқиндан танишдим. Айниқса кўпчилик хотин-қизларимизнинг ҳамон ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилмаганлиги, уларнинг фақат уй-рўзгор ташвишлари билан банд эканлиги мени ташвишлантиради. Турғи, ўзбек эркаклари ўз аёлларини қўпроқ фақат хонадон соҳибаси сифатида кўришни истайди, қолаверса, бу аксарият Шарқ мамлакатлари каби бизнинг республикамизга ҳам хос хусусиятдир. Лекин ҳеч қимга сир эмаски, қанчадан-қанча ўзбек аёллари жамиятимизнинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий соҳаларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Бугунги кунда улар ўз тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятларини намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бундан ташқари, кузатувларим шуни кўрсатмоқдаки, аёллар раҳбарлик қилаётган корхона ва ташкилотларда ишчи-ҳодимлар ўз хизмат вазифасига ўта масъулият билан ёндашмоқда.

Мен ўз сайловолди дастурига сиёсий, иқтисодий соҳаларда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар билан бир қаторда республикамиз хотин-қизларини фойдаланиш меҳнатга жалб этиш масаласини ҳам киритганман. Бунинг амалий усулларидан бири, бу — жойларда, уй шариоитида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш энг мақбулдир. Шунда улар оиладан, бола тарбиясидан ажралмаган ҳолда оилавий бюджетни оширишга, оиласининг тўқ ва фаровон ҳаёт кечирishi таъминланишига ўз хиссасини қўшиш имкониятига эга бўлади.

Яна бир масала, бу — аёлларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш. Айрим хотин-қизларимизнинг етарли ҳуқуқий билимга эга эмасликлари мени ташвишлантиради. Бу ўринда мен маҳалларда хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган маърифий-маданий ишларини жонлантириш керак деб ўйлайман.

Майрам СОДИКОВА,
Биринчи шаҳар перинатал
маркази раҳбари:



— Шифокор бевосита аҳоли билан тиббиёт соҳасида иш олиб боради. Ва бу борада айниқса оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, ёшларни оилага тайёрлаш, уларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш, оналик қувонч олдиде турган аёлларнинг тиббий саводхонлигини ошириш масалалари жуда катта аҳамиятга эга.

2005 йил давлатимиз Президенти томонидан Сihat-саломатлик йили деб эълон қилингани биз, шифокорларга билдирилган юксак ишончдир ва бу ҳаммамизга янада катта масъулият юклайди.

ЎзЛиДеП аъзоси сифатида шуни айтмоқчиманки, бизнинг асосий мақсадимиз фуқароларимизда тадбиркорлик кўникмаларини ҳрсил қилиш, керак бўлса, тадбиркорликка, ишбилармонликка ихобий муносабатни шакллантириш, уларда ижтимоий ва сиёсий фаолликни ошириш, жамиятда ҳар бир шахснинг кадр-қимматга эга эканлигини англашига йўналтирилган. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг тўб маъноси ҳам Ўзбекистонда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат. Зеро, тараққий этган давлатлар тажрибаси ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ривож, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашида биринчи навбатда айнан мулкдорлар синфига боғлиқ эканлигини кўрсатади.



Муборак ТУРОПОВА,
«Санам» журнали
бош муҳаррири:

— Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси янги иш ўринларини яратиш, ишсизликка қарши курашиш, ёшларни иш билан таъминлашни ниҳоятда зарур ва чекитириб бўлмайдиган вазифа

деб қарайди. Бу масалани ечишнинг асосий йўналиши сифатида аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга соҳаларда меҳнат қилаётганларда иқтисодий манфаатдорликни ошириш, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш, шунингдек қўшимча таълим олиш ва касб ўрганиш соҳасини тубдан яхшилаш керак, деб ҳисоблайди.

ЎзЛиДеП биз, аёлларга, ўзимизга бўлган ишонч, тадбиркорлик соҳасидаги очилмаган имкониятларимизни синаб кўришга, уларни юзага чиқаришга имконият яратди. Партиянинг асосий вазифаларидан бири ҳам тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг кенгрок фаолият юритиши учун янги имкониятлар яратиш, уларнинг фаолиятини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг ушбу табақаси манфаатларини ҳимоялаш бораборида унинг эртанги кунини таъминлашдан иборатдир.

Аёлларга боғлиқ муаммолар кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Менинг назаримда, энг аввало аёл кадр-қиммати кўтариш, унинг оилаларда, жамиятда тугатган ўрни, маъқолини ошириш керак. Дастуриимиз асосий мезоини қилиб аёллар муаммоларини белгилладим. Аёл муаммолари деганда аввало кўз олдимизга фарзанд келади. Чунки аёл фарзандни дунёга келтирди, уни тарбиялаб воёга етказди. Фарзандларимиз эса келажакимиз яратувчиларидир. Фарзандларимизни фаровон ҳаётга ет иллатлар таъсиридан халос бўлган ҳолда йўналтириш учун уларни турли тўғарақларга жалб қилиш, ҳунар ўргатиш, бўш вақтларидан унумли фойдаланишга ўргатишимиз зарур ва бу борада ўрта таълим соҳасида билим бериш сифатини ошириш, мактабларни компьютер ва бошқа техник қурilmалар, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган иштиёқини ошириш йўлларини излаш, уларни рағбатлантиришга йўналтирилган стипендиялар жорий қилиш керак деб ўйлайман.



Азиза ГУЛОМОВА,
«Азиза Сайфи қизи»
хусусий фирмаси
директори:

— ЎзЛиДеП «Аёллар қаноти»нинг асосий мақсади ривожланган бозор муносабатлари ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида фаол иштирок этишга тайёр бўлган хотин-қизларни бирлаштириш, янгилик яратишга чанқок, эл-юрт равақига, Ватан манфаатлари учун фидойи бўлган, замон руҳини теран илғайдиган ишбилармон ва тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ўсмир қизларнинг ақл-заковат салоҳиятини тўлиқ намоён этиши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун шарт-шароитлар яратиб беришга қўмақлашишдан иборат.

Бизнинг корхонамизда ўз касбига садоқатли бўлган 80 нафар аёл ишлайди. Айни пайтда жойларда банд бўлмаган ишга лаёқатли аёлларни аниқлаб, уларга иш жойлари очиб бериш устида ҳаракат қилмоқдамиз. Хусусан, маҳалларда махсус ўқув марказларини очиб, тикувчилик, зардўзлик, қўлоқчилик, миллий таомлар тайёрлашни ўргатишни режалаштирганмиз. Агарда кичик ҳажмдаги ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этсак, ундан олдингиз даромаднинг қисман миқдори хисобига яна ўша маҳаллардаги кам таъминланган, ноғирон оилалар фарзандларини ҳунарга ўргатиш, ўқув марказида бепул ўқитишимиз мумкин бўлади.

Сайловолди дастурида нуктаи назаримнинг асосий мезоини — барча нарсасда барқарорлик ва сифат кўрсаткичлари устувор деб таъкидланади. Албатта алоҳида ургун тадбиркорликни ривожлантиришга, бу йўлда гов бўлаётган айрим сунъий тўсиқларни баргараф этиш, кичик бизнес субъектларига солиқ ва бож тўловларида имтиёزلар кўзда тутиш, назорат қилувчи идоралар фаолиятини шунча расмийлаштириш учун эмас, балки амалий мувофиқлаштириш лозимлигига қаратганман.

Ўз навбатида, депутат бўлиш мен учун амал эмас, балки юқоридаги билдирган фикр-мулоҳазаларимнинг амалий тус олишига бир имконият деб биламан.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганид Домо бўлур...

● Меваларни ейишдан аввал ювиш керак. Чунки кўп жониворлар уларни ифлослантирган бўлади. Айниқса, узумни шундай қилиш кўпроқ таъкидланади. Ювиб эмаслик баъзида ўлимгача олиб боради. Овқатдан кейин қўл ва панжаларни ювиб, тозаломоқ зарурдир. Уй эгасининг қондаси шундайки, у овқатдан аввал қўлини ювиб, овқатдан сўнг энг охирида ювади. Утирганларнинг қўл ювишини чўзмаслик ва бошқаларни мунтазир қилиб қўймаслик зарур. Сувдан тезда қўл тортмоқлик керак, токи бошқаларга навбат тезроқ етади. Қўлни либосга артмаслик керак. Бу фахмсизлик аломатидир. Агар дастурўмоли бўлмаса қўлни юзга ёки соқолига суртмоқ керак.

● Тежамкор одам яхши ейди, яхши ичди, покиза кийинади, хушхаво уйларда яшайди, кераксиз нарсаларни сотиб олавермайди, ҳақиқий зарур нарсаларнигина харид қилади. Бировларга қўлидан келганча ёрдам қилади. Яхшилик йўлидаги ишларга пулини аямайди, саховатли бўлади. Ватани ва халқи учун молини ҳам, пулини ҳам аямайди.

● Тежамкор киши пулини керагидан ортиқча сарфламайди. 10 сўмга олиннадиган нарса учун ховликчи, 100 сўм сарф этмайди. Пулни фақат керакли нарсаларгагина сарфлайди. Хар бир ишда ўртача йўл тутади.

● ҲИҚМАТ. Ҳинд ҳақимларининг киноя қилиб ёзишларича ўз мол-мулкларини яхшилик йўлида сарфламайдиган бахил кишилар «сахий» кишилардир. Чунки ўзлари емай, ҳаммасини ўзгалар учун қолдирадилар. Китъа:

Туриб дарё лабада
бутимор куш,
Чекар дарё сувидан
доимо ғам.
Ўзича ўйлагай ичсамми
ё йўк,
Агар ичсам бўлар
дарё суви кам.
Дилида химмати йўқ
ҳар бахилнинг,
Шу кушга ўшшаган
феълу иши ҳам.
Хирсининг ўткирлигидан
нонини,
Ўз-ўзига кўрмагай
лойик, укам!

● Ҳурматли устозим айтар эди: «Иллатнинг пайдо бўлишига тўрт нарса сабаб бўлади: ёмон сув, аччиқ тутун, бадбўй хид ва ҳазм бўлиши қийин каттиқ емиш!»

Хикмат аҳлларининг китобларида иллатни пайдо қилувчи нарса олтига дейилади: «Тунда кам ухлаш, кундузи кўп ухлаш, пешобни узок тутиш, тўқ қоринга яна овқат ейиш, кечаси совуқ сув ичиши ва ортиқча жинсий алоқа қилиш!»

Одамзот кўп ейишни асло одат қилмаслиги керакки, ҳақиқатан ҳам кўп ейиш ҳайвонлар одатидир. Хикмат қонун-қондаси бўйича эса нонамақбулди. Демак, инсон овқат ейиш борасида ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Имкон борича кам ейиши, тўғри келган вақтда овқатланавермаслиги лозим. Ана шундай қилган киши табиғга асло муҳтож бўлмайди.

● Икки нимарса кўнгилни фасодга элтур: бири — тўла емоқ, бири — тўла уйкуламоқ.

Олий ўқув ортларида

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — МУҲИМ МАСАЛА

Тошкент молия институти талабалари ўртасида турли мавзуларда мунозара-бахс кечалари уюштириш, таниқли олимлар, меҳнат фахрийлари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиш анъана тусига кириб қолган.

Яқинда институтнинг бошқарув факультетида «Замонавий ёшлар ва диний ақидапарастлик» мавзуида мунозара-бахс кечаси бўлиб ўтди. Тадбирни Иқтисодий география ва экология кафедрасининг катта ўқитувачиси Жавлон Расулов бошлаб берар экан замонавий ёшлар қандай бўли-

ши, уларнинг дунёқарашидан то ўзини тутишгача тўхталиб, ёшларни зарарли бўлган турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолмасликка даъват этди.

Мунозарада сўзга чиққан талабалардан У.Примқулов, С.Боймухамедова, С.Махаматов ва бошқалар ўз

фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган айрим тенгюрларни ҳақда гапириб, улар элтурт олдида юзлари шувут бўлиб қолганликларидан афсусланаётганликларини таъкидладилар.

Факультет талабалари кириб келадиган янги 2005 йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан навбатдаги мунозарани «Гиевандлик, СПИД, ичкиликбозлик ва чекишга йўл йўқ» мавзусида ўтказишга қелишиб олдилар.

Шерзод ЭРМУҲАМЕДОВ,
Тошкент молия институти бошқарув факультети БК-58 гуруҳ талабаси.

Янги спектакль

ЖАЙДАРИ КЕЛИН

Театр... Бу сўзнинг мазмун-моҳияти барчага бирдек таъсир этмайди. Театр томошаларини дам олиш ва ташқи дунёдан узилиб саҳнада ўз ҳаётларини қўришга интиладиган маскандир. Ижодий ходимлар учун бу қутлуғ даргоҳ эса бутун ҳаётининг бир бўлаги.

Маълумки, кейинги пайтларда театр репертуарларидан хилма-хил мавзуларга ўзига хос бўлган спектакллар ўрин олмақда. Кунни кеча эса ўзбек театр санъатида пешқадим бўлган масканлардан бири — Муқимий номидаги мусиқали драма театри яна бир спектакль билан бойилди. Мазкур театрда Нуруллоҳ Аббосқон қаламига мансуб бўлган «Жайдари келин» 2 пардали лирик комедия режиссёр Баҳодир Назаров томонидан саҳналаштирилди. Ушбу саҳна асари томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинishi билан биргаликда, мутахассислар томонидан ҳам қониқарли баҳоланди.

Ҳар бир режиссёр ижодий фаолиятида бўлгани каби, Баҳодир Назаров ҳам ўзига хос иш услубига эга. Асар репетицияси жараёнида ҳам бунинг гувоҳи бўлдик.

Асардаги қайнона образини Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова ижро этар экан, бу актрисанинг йиллар

давомида сайқалланган истезодди яна бир бор намён бўлди. Меҳрибон ва оқила қайнона асардаги воқеликлар давомида парчаланиб кетаётган ёш оилани сақлаб қолади. Умри далада кечган, солда, тўғрисўз, қалби пок қиз шаҳарга, зиёли оилага келин бўлиб тушади-ю бу муҳитга қўниши қийин бўлади. Қайнонанинг «Жайдари келин»га оиладаги анъанавий одоб меъёрларини ўргатиши кулгили бўлиши билан биргаликда, оналарга хос бўлган фидойилик билан йўғрилиб кетган. Тўғри, келиннинг баъзи бир тўпорилик хусусиятлари бўрттириб юборилган. Айниқса, ҳозирги кунда қишлоқда ўсган қизлар ўзларининг оқила-ю улдабуронлиги, ишбилармонлиги билан кўзга қўринаётган бир пайтда, «Жайдари келин»нинг баъзи ҳаракатлари эриш туолиши мумкин. Бу албатта драматург топилмаларининг ҳаётийликдан чекинганлигидир. Шу ўринда спектакль тақдиротидан кейин ижодий жа-

моа билан ўтказилган давра суҳбатиди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик доктори, профессор Тошпўлат Турсуновнинг қўйидаги фикрини қайд этиб ўтсак: «Қишлоқ» бу «қишлоқлик» — дегани эмас, балки икки иборанинг фарқи бор. Ижро давомида буларни адаштирмастик керак...»

Назаримда асардаги ҳар бир образ миллий характернинг ўзига хос хусусиятларини акс эттира олган.

Спектакль давомида янтраган мусиқалар ҳам ўзининг салмоқли таъсир доирасини сақлаб турди. Бундан қўриниб турибдики, асарга ёзилган мусиқа муаллифи, кўплаб саҳна асарларига куй ёзган бастакор Фарҳод Олимов ҳам ижодий эмо билан ёна-ён меҳнат қилган. Мусиқа оҳангининг энгиллиги, матни билан уйғунлашиб кетганлиги томошабинларга ҳам маъқул бўлди. Айниқса, спектаклнинг иккинчи пардаси келин-кўённинг диалогига мос тарзда танланган маҳзун ва жозибали куй, томошабинларни мулоҳаза қилишга, келин айтишдек, ҳамма инсон бир... уни гўзал қилиш ўзимизга боғлиқлигини, бунинг учун меҳр даркорлигини англашга ундаган бўлса ажабмас.

Зухра СОБИРОВА,
Тошкент Давлат Санъат институти драматургия бўлими талабаси.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:

● Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 939 110 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 540 396 сўм.

● Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кирки тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган

бино. Бошланғич нархи — 48 648 225 сўм.

● Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойёсининг майдони 16,5 кв.метрга тенг бўлган 19-қисми. Бошланғич нархи — 5 775 000 сўм.

● Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «Ҳ.Олимжон» майдони, ғарбий томонида жойлашган «Пойтахт бизнес мажмуаси» биносининг 1-қаватидаги, майдони 16 кв. метрга тенг бўлган қисми (Ц-блоки). Бошланғич нархи — 5 841 600 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор-6/7 манзилида жойлашган, майдони 47 кв.метр бўлган бино

қисми. Бошланғич нархи — 2 316 603 сўм.

● Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Сағбон-Форобий кўчалари кесишуви, 5-6-7-уйлар манзилидаги 4-блок, 2-секцияда жойлашган, умумий майдони 152 кв.метрга тенг бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 23 901 328 сўм.

● «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қўйидаги станоклар:

— станок СМЖ-357. Бошланғич нархи — 1 400 221 сўм;

— 1Г 340 П револьверли токарлик дастгоҳи. Бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) худудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунини соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

«Амадина»

ХУСУСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТИЖОРАТ ФИРМАСИ ЖАМОАСИ


*барча тошкентликлар ва шаҳримизнинг
азиз меҳмонларини кириб келаётган*

Янги 2005 -

*Сухат-саломатлик
йили билан чин юракдан муборакбод этади.*

*Доимо соғ-саломат бўлинг.
Оилангизга тинчлик-тотувлик,
файз-барака, ишларингизда
улкан зафарлар тилаймиз.*

*Янги йил барчамизнинг хонадонларимизга
кут-барака ва ақиллик олиб келсин !*



Спорт

**КУЧЛИ
ЭКАНЛИГИНИ
ИСБОТЛАДИ**

Россия Федерацияси пойтахти Москвада беш кун давомида дзюдо бўйича талабалар ўртасида жаҳон чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди.

Албатта, талабалар ўртасида ўтказиладиган йирик спорт мусобақалари доимо кўллаб спорт юлдузлари иштирокида кескин ва мурасасиз тарзда ўтади. Бу гал ҳам Москвада 47 мамлакатдан ташриф буюрган, айни куч ва маҳоратга тўла талаба-спортчилар галаба учун кураш олиб боришди.

Кутилганидек бугунги кундаги энг мохир курашчиларимиз — жамоа сардори Абдулла Тангриев ишқибозларнинг ишончлирини тўла оқлади. 100 килограммдан ортиқ вазнда у иккинчи ўрин билан кифояланган бўлса, мутлақ вазнда Абдуллага тенг келадиганлар топилмади. Финалда Жанубий кореялик жуда кучли рақибини ишончли тарзда енгган Абдулла Тангриев олтин медални кўлга киритди.

73 килограммгача вазндаги полвонлар ўртасида яна бир ҳамюртимиз Шокар Мўминовга тенг келадиганлар топилмади.

Юртимизнинг яна бир иқтидорли талабаси Ўткир Бобоевга эса бронза нишонлари nasib этди.

Кувонарли томони шундаки, талабалар терма жамоамиз илк бор умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

**«ПАХТАКОР»
ФАХРИЙЛАРИ
ГОЛИБ**

Ўн иккита жамоа иштирокида фохрийлар ўртасида футбол бўйича Тошкент шаҳар Кубоги турнири бўлиб ўтди.

Олимпия тизими бўйича ўтказилган, яъни ҳар бир ютказган жамоа турнирни тарк этувчи Кубок мусобақаларида шахримизнинг «Пахтакор» ва «Галлабанк» жамоалари голибни аниқлаш мақсадида финалда ўзаро рўбарў келишди.

Ўйин «Пахтакор»нинг шиддатли ҳужумлари билан бошланди. Ҳисобни Ўзбекистон терма жамоасининг собиқ сардори Фарход Магомедов очди. Валентин Шашковнинг чиройли зарбасидан сўнг «Пахтакор» 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олди. Биринчи бўлим шу ҳисобда якунланди.

Иккинчи бўлимда ҳам майдонда «Пахтакор»нинг устунлиги аққол сезилиб турди. Марат Кабаев киритган икки тўп «Пахтакор» фохрийларининг 4:0 ҳисобидаги йирик галабасини таъминлади ва у фохрийлар ўртасида шаҳар Кубоғининг соҳибни бўлди.

(Ўз мухбиримиз)



Самбо

**ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ
МАҲОРАТЛАРИНИ
КЎРСАТИШДИ**

Шаҳримиздаги МХСК спорт залида самбо бўйича фохрийлар ўртасида республика чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Турнирни Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика самбо федерацияси ташкил этди.

қизиқарли, беллашувларга бой ҳолда ўтди.

Финал баҳсларидан сўнг голиблар аниқланди. Кувонарли томони шундаки, аксарият вазн тоифаларда тошкентлик самбочиларнинг кўллари баланд келиб, ҳурмат шохсупаси-

нинг энг юқори поғонасидан ўрин эгаллашди. Қуйида фохрийлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлган ҳамшаҳарларимиз исм-шарифларини келтириб ўтамиз: Баҳодир Бердиев, Фатхулло Азимов, Вячеслав Сериков, Альберт Жуманиёзов,

Михаил Алиев, Жаҳонгир Пирназаров, Талгат Янқаров, Вячеслав Белобров, Бахтиёр Сегиббоев, Гавриил Ким, Низомиддин Эшмуродов, Константин Лутцев, Роберт Манукян, Ибрагим Одилов, Игорь Яценко. Бухоро ва Самарқанд вилоятлари самбочилари ҳам чемпионатда муносиб иштирок этишиб, қатор биринчи ўринларни кўлга киритишди.

Чемпионатнинг голиб ва совриндорлари дипломлар ва кимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: фохрийлар ўртасида самбо бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатидан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.

«Камолот»

ТАРИХГА САЁҲАТ

Имконияти чекланган болаларнинг билимларини ошириш, уларни кўллаб-қувватлаш мақсадида Акмал Икромов туманидаги 199-сонли ёрдамчи мактаб ўқувчилари учун Темурийлар тарихи Давлат музейига саёҳат уюштирилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими кенгаши ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган тадбирда ўқувчилар ўтмишда яшаб ўтган улуг инсонлар, соҳибқирон Амир Темури даврида давлатни бошқариш сиёсати, ўша даврга тегишли осори-атиқалар билан яқиндан танишдилар.

— Юртимизда бугунги кунда имконияти чекланган ногиронларга кенг шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда, — дейди туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси Умида Раҳимова. — Албатта, қайсидир маънода бундай кишиларнинг қалби меҳрга кўпроқ ташна бўлади. Уларга эътибор, ғамхўрлик

қилиш, яхши муносабатда бўлишни ҳар бир соғлом одамнинг ахлоқий бурчи деб биламан. Шу ўринда имконияти чекланган ёшлар ҳам замонавий техника-технологиялардан бемалол фойдаланишлари, касб танлашлари, замонамизнинг энг илғор ёшлари қаторидан ўрин олишлари давлатимиз учун ниҳоятда аҳамиятлидир. Бугунги саёҳатимиз ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилди. Музейга ташриф чоғида ёшлар ўзлари китобда ўқиган тарих воқеаларига гувоҳ бўлдилар, осори-атиқалар билан яқиндан танишдилар. Ўзларини қизиқтирган саволларга музей ходимларидан жавоблар олишди.

Озода ПАХМАТОВА

Қайранлар

ТИЙИБ ТУРМАСАК

— Мени қачон ўз ҳолимга қўсанлар. Доим йўлимни тўсганингиз-тўсан. Хоҳлаганимча узун бўлиб, сизнинг манфаатингизга хизмат қилсам дейман, — деди тил тишларга.

— Биз аклнинг йўл-йўриги билан иш тутамиз. Арзингини ўшанга айт, — чуғурлашди тишлар.

Тил бу жавобдан ўнғайсизланиб, ақлга ёрилди.

— Билансамми, — дея ўқтирди ақл бироз хушёр тортиб. — Агар сени ўз вақтида тийиб турмасак, эгамизнинг юзини шувут қилиб, элнинг назаридан қолдирасан.

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ВАЗИФАСИ

— «Тақ-тақ»лаб мих қоқишдан тинимим-йўқ. Сен бўлсанг жагинги оче-еб тинчгина ётибсан, — омбирдан гина қилди болта. Омбир индамади. Иш доим равон, бехато бўлавермас экан. Болганинг хиёл нотўғри ҳаракатидан мих тахтани тешиб ўтолмай эгилиб, букчаиди.

— Михни чиқараман, деб уринма. Бу менинг вазифам, — деди омбир ва михни қаттиқ тишлаб суғурди-да, тўрғилан йўлга солди.

— Сен менинг дардим билан яшаётган экансан, узр, — деди болга яна «тақ-тақ»ини бошлаб.

ДАРАХТ ВА ҚУРТ

— Қаттиқ шамолдан чўчмайсанми? — дея даракдан сўрашди.

— Йўқ, — деди у — мабодо синсам, яна кўкариб кетаман.

— Гармселдан-чи?

— Йўқ.

— Ҳеч нарсадан кўркмайман дегин?!

— Ундаймас. Ичмига кирволиб, ҳечкимга кўринмай гимирлаётган ички ёв — қуртдан кўркаман, — дея надомат билан силкинди даракт.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Бекажон

ОЛМАЛИ ПИРОГ

Уни тайёрлаш учун 6 та тухумнинг оқи саригидан ажрати-либ, сўнгра оқиға 2 стакан шакар аралаштирилади. Кейин тухумнинг сариги қўшилади. Аралашмага 2 стакан ун солиниб, суюқроқ масса тайёрланади. Махсус пирог пиширил-диган қолип ёки товага ёғ суртиб, пергамент қоғоз қўйиб, унинг устига нон толқони сепилади. Тозаланган олмали юпка қирқиб, тайёрлаб қўйилган идишнинг ярмигача солинади. Сўнгра устидан тайёрланган массани қўйиб, 40 дақиқа да-вомида паст оловда пиширилади. Пирог совиғач, қирқиб, дастурхонга тортилади.



— Қизим, ҳайдовчингиз картишкаларингни кўрсатийла деди, мана картишка.

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳоқимлиғи

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
2812 нуҳада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашир этказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почтачига» — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.